

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ РАЙИМ ЭРКИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ФИЛАЙЛИКНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН  
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА  
УНИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОФТАЛЬМОЛОГИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офталъмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Қосимов Райим Эркинович**

Болаларда ғилайликни жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлик омилларини таҳлил қилиш ва уни ҳозирги замон офтальмология ривожланишининг ютуқлари билан такомиллаштириш..... 3

**Қосимов Райим Эркинович**

Факторный анализ эффективности хирургических способов лечения косоглазия у детей и возможные пути её совершенствования на современном этапе развития офтальмологии..... 27

**Kosimov Rayim Erkinovich**

Factor analysis of the effectiveness of surgical methods for treating strabismus in children and possible ways to improve it at the current stage of ophthalmology development..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ РАЙИМ ЭРКИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҒИЛАЙЛИКНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН  
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА  
УНИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОФТАЛЬМОЛОГИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офталъмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1674 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупов Амин Абдуазизович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Туйчибаева Дилобар Мираталиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Мухаммадеев Тимур Рафаэльевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети**  
(Тожикистон)

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/05.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99866) 233 –30-34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99866) 233 –30-34.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ғилайлик – офталмологик, косметик, руҳий ва ижтимоий таркибий қисмларни ўз ичига олган мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Кўринадиган косметик муаммоларни, атрофдаги дунёни кўриш ва идрок этиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиққан ҳолда, бу атрофдагиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, ўқиш ва малакавий фаолитда орқада қолиш билан боғлиқ бўлган психологик муаммоларга, шунингдек асабийлик ва бегоналашишга олиб келади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “...дунёдаги болаларнинг 0,5 дан 5% гача ғилайликнинг барча турлари билан азият чекади...”<sup>1</sup>. Ҳамкор ғилайлик (гетеротропия) - ғилайликнинг энг кенг тарқалган шакллари билан биридир. Ғилайликнинг бу тури дунё бўйича 14 ёшгача бўлган болаларнинг 183 миллионида учрайди, МДХ мамлакатларида бундай беморлар сони 5 миллион кишига яқинлашмоқда, Европа мамлакатларида эса 7,5 миллиондан ортиқ. Узоқ муддатли терапевтик ва кўпинча жарроҳлик (шу жумладан кўп маротаба) даволанишни, узоқ муддатли реабилитацияни талаб қилган ҳолда, ғилайлик нафақат ижтимоий, балки кўп жиҳатдан иқтисодий муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш илмий ва амалий офтальмологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ғилайлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш усулларини ўрганиш мақсадида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Офтальмологик жарроҳларнинг тадқиқотлари кўпинча кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларни жарроҳлик йўли билан коррекциялаш усулларини такомиллаштириш йўллари топишга ва операция ҳажмини аниқлаштиришга қаратилган. Тадқиқотларнинг кам миқдоригина операция натижаларига таъсир қилувчи беморнинг индивидуал фазилатлари ва параметрларини ўрганишга қаратилган. Яъни, ушбу омилларнинг хилма-хиллиги, бугунги кунга келиб, болаларда ғилайликни жарроҳлик даволаш нисбатан паст муваффақият кўрсаткичларига ва такрорий операцияларнинг юқори частотасига эга эканлигини белгилайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ва ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш бўйича мақсадли ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, болаларда ғилайликни даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда «...тиббий стандартлаштириш тизимларини шакллантириш йўли билан тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ҳаммабоплигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш, даволаш ва ташхислашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан жамоат саломатлиги кўрсаткичларини оптималлаштиришга олиб келувчи омилларни ўрганиш, шунингдек ҳам юқори самарали, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўллаш мумкин бўлган даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади ва соғлиқни сақлашнинг турли бўғинлари даволаш-профилактика муассасаларининг тизимли фаолиятини самарали усулларини йўлга қўйишга имкон беради.

<sup>1</sup> ЖССТ [Интернетдаги веб-саҳифа] Кўриш бўйича дунё ҳисоботи. Женева: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти; 2020. Лицензия; CC BY-NC-SA 3.0 IGO.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 йил 2018 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

Мазкур диссертацион тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабридаги ПФ-5590 – сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар мажмуаси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабридаги ПҚ-3340-сонли «2018-2022 йилларда болалардаги туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 7 апрелдаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 2020 йил 19 июнда Сенат томонидан маъқулланган «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болалардаги ғилайлик болалар кўриш аъзолари патологиялари тузилмасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг улуши болалардаги барча кўз касалликлари орасида 2-3%ни ташкил қилади. Ғилайликни даволаш қуйидагиларга қаратилган: кўриш ўткирлиги ва бинокулярлигини яхшилаш, косметик нуқсонни бартараф этиш ва ўсаётган организм учун психологик хавфларни камайтириш.

Ғилайликнинг этиология ва патогенези, унинг болалардаги бошқа офталмологик касалликлар билан боғлиқлиги бир қанча илмий ишларида кўриб чиқилган. Жарроҳлик усули ғилайликни даволашнинг энг самарали усулларида бири сифатида ва уни такомиллаштириш йўллари кўплаб илмий ишларида келтирилган.

Ҳозирги вақтда ҳамкор ғилайликни тузатишда эришилган ютуқларга қарамай, жарроҳлик усулда даволашни такомиллаштириш муаммоси тўлиқ ҳал қилинмаган. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳамкор ғилайлик сабабли такрорий жарроҳлик аралашувлар частотаси 5% дан 52% гача юқори бўлиб қолмоқда, бу жуда кўп ҳал қилинмаган муаммоларни ва бу муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Шу сабабли, беморда индивидуал хавф омилларини аниқлашга қаратилган илғор даволаш технологияларини излаш ва ўрганиш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Уларнинг амалий қўлланилиши ҳар бир аниқ ҳолатда жарроҳлик аралашувни режалаштириш усуллариининг мақбул ечимларини топишга имкон беради, бу эса даволаш сифатини яхшилаш ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №617.52-001-097-08-сонли «Юз-жағ соҳасида жароҳат, нуқсонлар, деформациялар ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташҳисот этиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллариини ишлаб чиқиш» (2021-2024 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли хил жарроҳлик усулларининг самарадорлигини ўрганиш ва жарроҳлик натижаларига таъсир қилувчи асосий хавф омилларини аниқлаш асосида ғилайлиги бўлган болаларни даволаш сифатини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалар офтальмологик жарроҳлик бўлимларида ғилайлик билан боғлиқ беморлар тузилишини ретроспектив ўрганиш ва болаларда ғилайликни жарроҳлик натижаларига таъсир қилувчи индивидуал хавф омилларини таҳлил қилиш;

ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларда жарроҳлик даволашни режалаштиришда, кўзнинг ҳаракат аппаратининг индивидуал хусусиятлари асосида оптик когерент томография (ОКТ) қўллаш имконияти ва самарадорлигини ўрганиш;

жарроҳлик натижасига таъсир қилувчи индивидуал хавф омиллари асосида ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликка эга бўлган болаларни жарроҳлик даволаш усулини такомиллаштириш ва унинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликка эга бўлган болаларни жарроҳликдан кейинги асоратларнинг ривожланиш хавфини таҳлил қилиш, ОКТ қўллаш самарадорлиги ва ғилайликни бартараф этиш учун персоналлаштирилган жарроҳлик даволаш усули асосида илмий асосланган юритиш тактикани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2023 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг офтальмология бўлими ҳамда А.А.Юсупов “Кўз даволаш маркази” МЧЖда ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликка эга жарроҳлик йўли билан даволанган 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган 235 та 003у шаклидаги «Тиббий карталари» ўрганилган ҳамда 90 нафар ҳамкор ичкирига қочувчи ғилайлиги булган болалар жарроҳлик усули билан даволанган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг стационар карталари, сўровнома маълумотлари, кўз олмаси, кўзларни ҳаракатга келтирувчи мушаклар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда клиник-функционал, стандарт ва махсус офтальмологик ҳамда статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликда нисбий эҳтимоллар асосида касаллик давомийлиги (имкониятлар нисбати (ИН) - 2,3), ғилайликнинг юқори дастлабки бурчаги 31°дан юқори (ИН - 1,9), бемор ёши 7 ёшдан катта бўлиши (ИН - 1,7) ва ҳамроҳ сурункали касалликларнинг мавжудлиги (ИН - 1,3) даволаш натижасига таъсир этувчи хавф омиллари эканлиги исботланган;

ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларда 1310 нм тўлқин узунлигидаги, икки ўлчамли сканерлаш ва юқори аниқлик қобилятига эга бўлган ОКТ қўллаш 16 мкм чуқурлик ва 60 мкм кенгликдаги тўғри экстраокуляр мушакларнинг аниқ бириккан жойлашувини аниқлаш имконини бериши исботланган;

илк бор ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларни жарроҳлик даволашда индивидуал хавф омиллари асосида ғилайликнинг қолдиқ бурчагини олиб ташлаш бўйича такрорий жарроҳликнинг олдини олиш имконини берувчи бошқарувчи чоклар усулини қўллашнинг самарадорлиги исботланган;

ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларни жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар хавфи даражасини камайтириш ва жарроҳлик ёрдам сифатини оширишга имкон берувчи олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳамкор ғилайлиги бўлган беморларга операциядан олдинги даврда кўзнинг медиал ва латерал тўғри мушакларини жойлашуви ва ҳолатини ҳамда аралашув тактикасини аниқлаштириш учун оптик когерент томография (ОКТ) текширувини ўтказиш лозим;

$E = \pi \cdot (D/4) - (R/2)$ , бунда  $E$  - кўзнинг экватори ва лимбининг масофаси ёки рецессиянинг максимал ҳажми;  $\pi = 3,14$ ;  $D$  – бемор кўзи ўқининг бўйлама катталигига тенг бўлган айлана диаметри;  $R$  – шох парданинг горизонтал катталиги, бўлган математик формулани қўллаш операциядан олдинги босқичда ғилайлик бурчагининг ўлчамига асосланган рецессиянинг максимал ўлчамини аниқлаштириш имконини берган;

болалар орасида страбизмокоррекция операцияларни ўтказиш учун, айниқса, режалаштирилган коррекциялаш даражасининг кутилаётган натижалари (кичик ва катта оғиш бурчаклари) ҳақида юқори даражада ноаниқлик бўлган ҳолларда, тартибга солунувчи чоклар усулидан кенгрок фойдаланиш тавсия этилган;

оилавий ва марказий туман поликлиникалари шароитида ота-оналар ўртасида ахборотлаштириш ишларини кучайтириш, хавф гуруҳларини шакллантириш, болаларда ғилайлик масалалари бўйича оилавий шифокорлар ва офталмологларнинг малакасини ошириш асосида ғилайлиги бўлган болаларни эрта аниқлаш учун кенг шароит яратиш.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, ижтимоий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ҳамкор ғилайликда операциядан кейинги асоратлар ривожланишида хавф омиллари, жарроҳлик аралашув услубини танлашда ва ҳажмини аниқлашда беморнинг шахсий маълумотларини ҳисобга олиш тўғрисида янги маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нафақат ҳамкор ғилайлиги бўлган болаларни даволаш учун тартибга солунувчи чоклар усулида операцияларни ўтказиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, балки ғилайликнинг турли шакллари бўлган болаларга болалар офталмологик хизмати сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар алгоритминини яратишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Болаларда ғилайликни жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлик омилларини таҳлил қилиш ва уни ҳозирги замон офталмология ривожланишининг ютуқлари билан такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/88-сонли хулосаси):

*биринчи илмий янгиликнинг аҳамияти:* Офтальмология бўлимларидан ўтган 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган беморлар тузилмасида ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлик энг кўп тарқалганлиги аниқланган. Хавф омилларини аниқланиб, ўз вақтида бирламчи профилактика тадбирларининг режалаштирилиши ҳамда амалга оширилиши қайталаниши олди олинган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (30.04.2024 й.; № 58-U); Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали бўйича буйруқ (29.04.2024й.; № 25) билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларда жарроҳлик операциясини даволашда мавжуд бўлган усулларнинг самарадорлиги ҳақидаги тушунчалар таҳлил этилган ва чуқурлаштириб ўрганилган. Болаларга страбологик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва муқобиллаштириш амбулатор-поликлиника босқичида беморларга операциядан олдинги ва кейинги даврда офтальмологик ёрдамни кўрсатиш, ихтисослаштирилган болалар муассасаларини яратиш, хавф омилларини ва ғилайликни эрта аниқлаш, жарроҳлик ёрдамни, офтальмологлар, страбологлар, турдош ихтисослик шифокорларини тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, страбологик ёрдам кўрсатиш бўйича ягона республика стандартини яратиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган комплекс тадбирларга асосланган бўлиши лозимлиги аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларда тиббий-ижтимоий жиҳатларини қиёсий ўрганиш натижалари страбологик хизматни ташкил этишда, ўз вақтида бирламчи профилактика тадбирларини режалаштирилиши ва амалга оширилиши орқали сарфланадиган харажатларни 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 112 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 982 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради;

*иккинчи илмий янгиликнинг аҳамияти:* операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврда ОКТ усули, унинг ноинвазивлиги ва қулайлиги сабабли ҳар қандай ёшдаги болаларни текширишда қўлланилиши мумкин. ОКТ усули кўзнинг аниқ кўндаланг ва бўйлама ўлчамининг олиш имконини беради. Кўзнинг бўйлама ўқи ва унинг экваторини жойлашуви орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд,  $r=+0,79\pm 0,2$ , бу математик ҳисоб-китоблар йўли билан ғилайлик сабабли ўтказиладиган операциялар вақтида аралашув ҳажмини аниқлаштириш имконини берган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (30.04.2024 й.; № 58-U); Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали бўйича буйруқ (29.04.2024й.; № 25) билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврда ОКТ усули, унинг ноинвазивлиги ва қулайлиги сабабли ҳар қандай ёшдаги болаларни текширишда қўлланилиши мумкин. ОКТ усули кўзнинг аниқ кўндаланг ва бўйлама ўлчамининг олиш имконини беради, бу ўз навбатида

профилактика чора тадбирлари тиббий-ижтимоий самарадорлигини ошириш эвазига ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларнинг саламатлигини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврда ОКТ усули, унинг ноинвазивлиги ва қулайлиги сабабли ҳар қандай ёшдаги болаларни текширишда қўлланилиши мумкинлиги, диагностик мезони сифатида тавсия этилганлиги беморларда жарроҳлик аралашувини бир босқичда амалга ошириш имконини беради, бу эса бошқа текширувларга қатнамаслик ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 230 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 170 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

*учинчи илмий янгиликнинг аҳамияти:* 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда бошқарувчи чоклар усулида ғилайлик бурчагини тузатиш бўйича операцияни ўтказиш анъанавий турдаги операциялар билан мос келадиган толерантлик ва натижавийлик даражасини кўрсатган. Бошқарувчи чоклар, анъанавий страбологик операциялар каби юз фоизлик натижани кафолатламайди, лекин режалаштирилган коррекция даражасининг кутилаётган натижаларига (кичик ва катта оғиш бурчаклари) нисбатан юқори даражадаги мавхумлиги бўлган беморларни даволашда айниқса истиқболлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (30.04.2024 й.; № 58-U); Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали бўйича буйруқ (29.04.2024й.; № 25) билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликга эга бўлган болаларни жарроҳлик даволашда бошқарувчи чок усулини қўллашнинг самарадорлиги исботланган, бу индивидуал хавф омилларига асосланиб, ғилайлик қолдиқ бурчагини олиб ташлаш учун такрорий жарроҳликнинг олдини олишга қаратилган қисқа ва узоқ муддатли кузатишлар давомида етарли самарадан иборат бўлган алгоритм ишлаб чиқилган, бу алгоритмда илк бор бола ёшига қараб профилактика чоралари ишлаб чиқилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликга эга бўлган болаларда бошқарувчи чоклар усулини қўллаганда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 180 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

*тўртинчи илмий янгиликнинг аҳамияти:* болалар орасида страбологик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва муқобиллаштириш амбулатор-поликлиника босқичида беморларга операциядан олдинги ва кейинги даврда офталмологик ёрдамни кўрсатиш, ихтисослаштирилган болалар муассасаларини яратиш, хавф омилларини ва ғилайликни эрта аниқлаш, жарроҳлик ёрдамни, офталмологлар, страбологлар, турдош ихтисослик шифокорларини тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, страбологик ёрдам кўрсатиш бўйича ягона республика стандартини яратиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган комплекс тадбирларга асосланган бўлиши лозимлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (30.04.2024 й.; № 58-U); Республика

ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий -амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали бўйича буйруқ (29.04.2024й.; № 25) билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликга эга бўлган болаларни юритиш тактикаси ишлаб чиқилган, бу жаррохликдан кейинги асоратлар хавфини камайтиришга ҳамда жаррохлик ёрдам сифатини оширишга ва ижобий самарадорлигига эришиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларни олиб бориш жарралик амалиётида қўлланилиши ўтказилган профилактика натижаларни яхшилашга имкон бериб, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 350 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 170 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилганлиги, мавзу бўйича чоп этилган илмий мақолалар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда ғилайликнинг сабаблари ва даволаш усулларининг умумий хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида болаларда ғилайликнинг тарқалиши ва касалликни келиб чиқиши бўйича хавф омиллари, ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликни таснифи, патогенези, диагностикаси, клиникаси, замонавий фан ва тиббиёт амалиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда терапевтик, жарроҳлик усулларида даволаш ва биргаликда кечадиган ғилайлиги бўлган беморларни реабилитация қилиш усуллари ҳақидаги замонавий ғояларни ўз ичига олган маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлилини тақдим этади.

Диссертациянинг **“Хусусий ва асосий тадқиқот усулларининг умумий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва предмети, фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумот келтирилган.

Илмий иш Самарқанд давлат тиббиёт университети (СДТУ) кўп тармоқли клиникаси офталмология бўлимида, А.А.Юсуповнинг “Кўз даволаш маркази” масъулияти чекланган жамиятнинг тиббиёт марказида 2016 йилдан 2023 йилгача даволанган ғилайлиги бўлган болаларни даволаш натижаларини ўрганишга асосланган.

Тадқиқот дизайни ретроспектив вазият-назорат тадқиқотини ва аналитик проспектив когорт клиник тадқиқотини ўз ичига олди.

Беморларни тадқиқот гуруҳига киритиш меъзони: юқорида кўрсатилган тиббий муассасаларда ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлик бўйича жарроҳлик усулда, 3-10 ёшдаги, жиддий ёндош сурункали касалликлари бўлмаган, тадқиқотда иштирок этиш учун хабардор қилиниб, розилиги олинган болалар.

Беморларни тадқиқот гуруҳига киритмаслик меъзонлари: ғилайликнинг бошқа шакллари бўлган болалар, белгиланган ёшдан катта ёки кичик болалар, оғир сурункали касалликлари мавжуд болалар, қонуний вакиллари хабардор бўлмаган ва розилиги бўлмаган болалар.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида адабиёт манбаларини ўрганиш амалга оширилди, тадқиқот режаси тузилди ва асосланди, тадқиқот мақсадларини амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди, патент қидируви ўтказилди ва адабиётлар шарҳи расмийлаштирилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида офталмология бўлимларидан ўтган, 500 нафар 3 ёшдан 10 ёшгача ғилайлиги бўлган беморларнинг тузилмасини ўрганиш учун Ф № 003у “Стационар беморининг касаллик тарихи” ретроспектив таҳлили ўтказилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики,

ғилайлиги бўлган беморларнинг энг катта улуши ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги (ҲИҚҒ) бўлган беморлар ташкил этди. Уларнинг кўплиги (барча ўрганилган кузатув бирликлари орасида  $49,2 \pm 2,2\%$ ) туфайли, гуруҳларга ажратилиб, хавф омилларини операция натижасига таъсирини ўрганиш учун ҲИҚҒ билан касалланган 235 (470 кўз) нафар беморнинг клиник маълумотлари ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот муаллифи томонидан ишлаб чиқилган махсус шаклга ва электрон журналга нусха кўчириш усулидан фойдаланган ҳолда беморларнинг анамнези ва индивидуал маълумотлари, амалга оширилган жарроҳлик амалиёти тури, жарроҳлик амалиёти натижалари тўғрисидаги маълумотлар, операциядан кейинги охириги 6 ойда беморнинг ҳолатини диспансер кузатув натижалари тўпланган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида ҲИҚҒ бўлган беморларда оптик когерент томография (ОКТ) ёрдамида болаларни операциядан олдин текшириш ва “тартибга солинувчи чок” усули ёрдамида жарроҳлик амалиётини ўтказиш методологияси ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, шундан сўнг бурчакларни тўғрилаш бўйича 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган 45 нафар беморда ва айнан шу ёш оралиғида анъанавий усулдан фойдаланган ҳолда 45 нафар беморда операциялар бажарилди. Иккала гуруҳ тузилмаси беморлар жинси, ёши, асосий ташхиси ва ўртача девиация бурчаги бўйича рандомизацияланди. Иккала гуруҳ операциядан олдинги ва кейинги даврда анъанавий ва бир хил даволанишди ҳамда операциядан кейин 6 ой давомида кузатилди.

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичида ҲИҚҒда жарроҳлик аралашувнинг анъанавий усулида даволанган ҳамда муаллиф томонидан таклиф қилинган “тартибга солинувчи чоклар” усулидан фойдаланган ҳолда операция натижаларининг клиник самарадорлигини қиёсий таҳлили ўтказилди ва ғилайлиги бўлган болаларга жарроҳлик усулида даволаш ва офталмологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel 2019 махсус дастурий пакети ёрдамида стандарт усулларга мувофиқ амалга оширилди. Бундан ташқари, кватилейларни ( $Q_{25}$  ва  $Q_{75}$ ) аниқлаш билан ўртача арифметик ( $M$ ) ва медиана ( $Me$ ) ҳисоблаб чиқилди. Кўрсаткичлар ва ўртача арифметик учун репрезентативлик хатолари ( $\pm m$ ) ва стандарт оғиш ( $\pm \sigma$ ) ҳисоблаб чиқилди. Кўрсаткичлар ва ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдента ( $t$ ) меъзони бўйича эҳтимолликни ҳисоблаш ( $p \leq 0,05$ ) билан билан аниқланди. Хавф омили ва натижанинг (жарроҳликдан кейинги асорат) боғлиқлигини аниқловчи имкониятлар нисбати (odds ratio) (ИН) икки майдонли бирлашиш жадвали усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Рақамли параметрлар ўртасидаги муносабатлар Спирмен корреляцияси рангли коэффициенти ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг **“Болаларда ғилайликни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларининг омилли таҳлили”** деб номланган учинчи бобида жарроҳлик усулида даволаш натижалари таҳлил қилинган. Биз 235 нафар 3 ёшдан 10 ёшгача ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган беморларнинг Ф-003 “Стационар беморининг касаллик тарихи”ни ўргандик. Ўрганилган маълумотлар асосида “Ғилайлиги бор беморларни жарроҳлик даволашнинг

оптимал усулини аниқлаш” электрон дастур ишлаб чиқилган, синовдан ўтказилган ва бу бўйича патент олинган (DGU 13559).

Операция даврида беморларнинг ўртача ёши  $5,71 \pm 0,12$  ёшни ташкил этди. Асосан, бизнинг тадқиқотимиздаги болаларда ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликни даволаш бўйича жарроҳлик амалиёти 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган  $36,6 \pm 3,1\%$  болаларда амалга оширилди, иккинчи ўринда 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган беморлар  $29,4 \pm 3,0\%$ , кейин 7-8 ёшли болалар гуруҳи –  $27,2 \pm 2,9\%$ , ва жуда камдан-кам ҳолларда бу операция 9-10 ёшли болаларда амалга оширилади  $6,8 \pm 1,6\%$  ( $p \leq 0,05$ ).

3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар гуруҳининг асосий кўрсаткичларини кўриб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, операциядан олдин ўртача оғиш бурчаги коррекциясиз  $20,57 \pm 0,31^0$  ва коррекция билан  $19,67 \pm 0,29^0$ ни ташкил қилиб, уларнинг яқинлиги беморлар кўриш табиатининг ноаккамадицион эканлигини кўрсатади. Кўриш ўткирлиги коррекция билан ўнг кўзда ўртача  $0,68 \pm 0,01$ , чапда  $0,70 \pm 0,01$  ни ташкил этди.

### 1-жадвал

#### Тадқиқотга киритилган беморларнинг офталмологик параметрларининг хусусиятлари

Белги	кўрсаткичлар	
Ташхис қўйилган ўртача ёш (йил) ( $M \pm m$ )	2,31 ± 0,07	
Операция ўтказилган ўртача ёш (йил) ( $M \pm m$ )	5,71 ± 0,12	
Олд-орқа ўлчам (мм) ( $M \pm m$ )	П.Г.	21,86 ± 0,08
	Л.Г.	21,92 ± 0,08
Коррекциясиз оғиш бурчаги ( $M \pm m$ )	20,57 ± 0,31	
Коррекция билан оғиш бурчаги ( $M \pm m$ )	19,67 ± 0,29	
Коррекцияда кўриш ўткирлиги ( $M \pm m$ ) (+)D	П.Г.	0,68 ± 0,01
	Л.Г.	0,70 ± 0,01
Рефракция (D) ( $M \pm m$ )	П.Г.	3,67 ± 0,11
	Л.Г.	3,63 ± 0,1
Астигматизм (D) ( $M \pm m$ )	П.Г.	0,81 ± 0,03
	Л.Г.	0,84 ± 0,03
Анизометропия (D) ( $M \pm m$ )	0,74 ± 0,03 (0,25-2,75)	
Амблиопия n ( $P \pm m$ )% да	0,2-0,3	31 (13,2 ± 2,2)
	0,4-0,8	99 (42,1 ± 3,2)
(ОУ) остида синоптофорга кўз тўр пардаси жавоби n ( $P \pm m$ )% да	ФЗ билан ТПНК	89 (37,9 ± 3,2)
	ББФС	3 (1,3 ± 0,7)
	БФСБ	143 (60,9 ± 3,2)
Ранг тести n ( $P \pm m$ )% да	МА	100 (42,6 ± 3,2)
	О	135 (57,4 ± 3,2)
	БО	0
Кўзойнак билан коррекция n ( $P \pm m$ ) % да	202 (86,0 ± 2,3)	
Окклюзия n ( $P \pm m$ ) % да	208 (88,5 ± 2,1)	

**Изоҳ:** ФЗ билан ТПНК – фузион заҳиралари билан тўр парданинг нормал корреспонденцияси, ББФС - бостиришининг беқарор функционал скотомаси, БФСБ - бостиришининг функционал скотомасининг барқарорлиги, ОБ - объектив оғиш бурчаги, МА - монокуляр альтернирловчи, Б – бир вақтнинг ўзида, БО- ранг тести бўйича кўришининг бинокуляр табиати.

Анизометропия ўртача 0,74 ни ташкил этди ва 2,75 D дан ошмади. Рефракция барчада гиперметрик бўлиб, ўнг кўзда ўртача  $3,67 \pm 0,11$  ва чап кўзда  $3,63 \pm 0,1$  ни ташкил этди. Астигматизм ўртача 0,81 - 0,84 D, амплитудаси 0,25 дан 3,0 D гача. Ўрта оғирлик даражадаги амблиопия (0,2-0,3) 31 ( $13,2 \pm 2,2\%$ ) болада, заиф даража эса 99 ( $42,1 \pm 3,2\%$ ) болада қайд этилди. Кўпгина беморларда операциядан олдин синоптофорда текширилганда барқарор функционал бостириш скотомаси қайд этилган –  $60,9 \pm 3,2\%$ , тўр парданинг фузион захиралари билан нормал кореспонденцияси  $37,9 \pm 3,2\%$  беморларда ва беморларнинг  $1,3 \pm 0,7\%$  да беқарор бўлмаган функционал бостириш скотомаси аниқланди (1-жадв.).

Ўтказилган ранг тести текширилганларнинг барчасида бинокуляр кўриш мавжуд эмаслигини кўрсатди. Беморларнинг  $57,4 \pm 3,2\%$  монокуляр альтернирловчи кўриш тури, қолган  $42,6 \pm 3,2\%$  эса бир вақтли кўриш тури қайд этилди.

Кўзойнакли коррекцияга 202 нафар ( $86,0 \pm 2,3\%$ ) бола мухтож эди. Окклюзия 208 ҳолатда ( $88,5 \pm 2,1$ ) қўлланилди (1-жадв.).

Барча беморлар операциядан олдин яшаш жойида ёки ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида оптик ва ортоптик даволанганлар.

235 нафар беморлар орасида 42 нафар ( $17,9 \pm 2,5\%$ ) болада турли аъзолар ва тизимларнинг сурункали носпецифик касалликлари қайд этилди. Улар орасида 100 нафар беморга нисбатан касаллик тарқалиши бўйича биринчи ўринни, беморларнинг 10 тасида ( $4,3 \pm 1,3\%$ ), асаб тизими касалликлари эгаллади, бу ўз навбатида асаб тизими касалликларини болаларда ғилайлик ривожланиш хавфига таъсир қилишини билвосита тасдиқлайди. Тарқалувчанлиги бўйича иккинчи ўринда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари (гастрит ва холецистит) - 7 ( $3,8 \pm 1,3\%$ ) ва учинчи ўринда нафас олиш тизими касалликлари (тонзиллит, бронхит, бронхиал астма ва бошқалар) туради. Беморларнинг 6 нафарида ( $2,6 \pm 1,0\%$ ) эндокрин тизими ва моддалар алмашинуви касалликлари, жумладан, семизлик қайд этилди. Қон касалликлари, асосан енгил даражадаги анемия 5 та ( $2,1 \pm 0,9\%$ ) беморда қайд этилди. Ундан кейин сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар касалликлари ва туғма аномалиялар кузатилди.

Операциянинг нохуш оқибатларига гипер ёки гипокоррекцияни ва натижада косметик, ортофорик ва офталмологик самарадорликка эриша олмасликни киритиш мумкин. Бизнинг ҳолатимизда 235 нафар бемор орасида жами 113 та коникарсиз натижалар ва асоратлар ( $48,1 \pm 3,3\%$ ) аниқланди, яъни ҳар иккинчи беморда жарроҳлик амалиёти идеалидан у ёки бу оғишлари кузатилди. Ушбу оғишларнинг энг кўп сони гипоеффект билан боғлиқ -  $23,8 \pm 2,8\%$ , гиперэффект беморларнинг  $11,9 \pm 2,1\%$  да учради. Беморларнинг  $5,1 \pm 1,4\%$  да операция вақтида конъюнктивал жароҳатлар чокларнинг барвақт ечилиши,  $6,4 \pm 1,6\%$  да даллен қайд этилди ( $p \leq 0,05$ ). Субконъюнктивал гематома ва пиоген гранулома каби асоратлар фақат битта ҳолатда ( $0,4 \pm 0,4\%$ ) ( $p \geq 0,05$ ) қайд этилди (1-расм).



*1-расм. 100 беморга нисбатан ичкарига қочувчи ғилайлиги бўлган болаларда операциядан кейинги коникарсиз натижалар ва асоратларнинг тарқалувчанлиги*

Шундай қилиб, касалхонадан ўтган ғилайлиги бўлган болалар тузилмасида биринчи ўринни эзотропияли болалар ( $49,2 \pm 2,2$ ) эгаллайди. Жарроҳнинг шахсияти ва танланган аралашув турига боғлиқ бўлмаган, ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликда ўтказилган операция натижасига таъсир қилувчи хавф омилларига қўйидагилар киради: касалликнинг давомийлиги – ИН 2,3; ғилайликни дастлабки бурчагининг юқорилиги ( $31^0$  дан ортиқ) – ИН 1,9; беморнинг ёши 7 ёшдан катта – ИН 1,7; ёндош сурункали касалликларнинг мавжудлиги – ИН 1,3; эркак жинси – ИН 1,2.

Диссертациянинг **“Болаларда ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликни тартибга солинувчи чоклар усули ёрдамида жарроҳлик йўли билан даволаш амалиётини жорий этиш”** деб номланган тўртинчи бобда кўзларни тўғирлаш учун жарроҳлик тактикаси таклиф этилган, бунда диплопиясиз кўриш майдонини ошириш, кўриш ўткирлигини нормал ҳолатга қайтариш ва бинокуляр кўришни идеал тарзда тиклаш учун шароит яратилади. Ушбу тадқиқотда жарроҳлик аралашуви сифатини яхшилаш йўллари белгилаш мақсадида деярли бир хил ёш-жинс таркибдаги, операциядан олдинги текширув усуллари ва операция тури бўйича фарқ қилувчи иккита болалар гуруҳида ўтказилган жарроҳлик аралашуви натижалари таққосланди (II боб).


I гуруҳ – асосий ( $n=45$ ), операциядан олдинги текширувда анъанавий усулларга қўшимча равишда ОКТ усули қўлланилган, тартибга солинувчи чоклар ёрдамида ғилайлиги тўғирланган болалар.

II гуруҳ – назорат ( $n=45$ ), анъанавий - рецессия ва резекция усуллари ёрдамида ғилайликни текшириш ва тўғирлаш амалга оширилган.

Ғилайлик ташхисини қўйиш ва бемор кўзининг индивидуал анатомик хусусиятларини аниқлаш учун анъанавий тадқиқот усулларида ташқари, оптик когерент томография (ОКТ) қўлланилди. Ушбу усул I-гуруҳ болалар

ўртасида қўлланилди. ОКТ технологиясидан фойдаланган ҳолда кўзнинг узунлик ўқини (КУЎ) ўлчаш Visante ОКТ “Carl Zeiss Meditec” ускунасида амалга оширилди.

1310 нм тўлқин узунлигида ҳамда икки ўлчовли сканерлаш ва юқори аниқлик имкониятида ОКТни қўллаш чуқурлиги 16 микронгача ва кенглиги 60 микронгача бўлган кўз олмасининг олдинги сегменти тузилмаларини кўриш имконини беради. Кўриш майдонида шох парданинг лимбага ва лимбанинг склерага ўтиш чизиқларини соянинг зичлиги бўйича ажратиш мумкин, бу экстраокуляр тўғри мушаклари бирикишининг аниқ жойлашувини аниқлашга ёрдам беради (2-расм).



**2-расм.** Кўз тўғри мушакларининг максимал узунлигини визуализацияси: А - медиал тўғри мушак; Б - латерал тўғри мушак; С - пастки тўғри мушак, Д - юқори тўғри мушак

ОКТ усули бизга лимбдан 12,5 мм масофадаги тўғри мушакларнинг узунлигини кузатиш имконини берди. Гуруҳнинг ўртача ёши  $5,31 \pm 0,23$  ёш ва гиперметропиянинг ўртача даражаси  $+3,77 \pm 0,24$  дптр. бўлганида, тўғри мушакларнинг лимбдан ўртача узоқлашгани ички мушак учун  $4,60 \pm 0,35$  мм (3,21 - 5,89), ташқи мушак учун  $5,85 \pm 0,51$  мм (4,31 - 7,12) ни ташкил этди. Ўнг тарафда КУЎ нинг ўртача катталиги  $21,83 \pm 0,17$  мм (20,11 - 23,45) ва чапда  $21,81 \pm 0,17$  мм (20,02 - 23,35) бўлди (2-жадв.).

## ОКТ диагностикада асосий гуруҳ беморларининг асосий кўрсаткичлари

Асосий гуруҳ кўрсаткичлари	Ўнгда	Чапда
Рефракция (M±m) дптр	+3,77±0,24	+3,72±0,24
Кўз узулик ўқининг ўлчами (M±m) (min - max) мм	21,83±0,17 (20,11-23,45)	21,81±0,17 (20,02-23,35)
Ғилайлик бурчаги (M±m) градус	20,67±0,77	
Коррекция билан ғилайлик бурчаги (M±m) градус	19,82±0,66	
Тўғри ички мушакнинг лимбдан ўзоқлиги (M±m) (min - max) мм	4,60±0,35 (3,21–5,89)	
Ташқи ички мушакнинг лимбдан ўзоқлиги (M±m) (min - max) мм	5,85±0,51 (4,31–7,12)	
Беморнинг ёши (M±m)	5,31±0,23	
КУЎ ва кўз экваторининг ҳолати орасида юқори корреляцион боғлиқлик қайд этилди	r=+0,79	

КУЎ ва кўз экваторининг ҳолати орасида юқори корреляцион боғлиқлик қайд этилди - (r=+0,79±0,2).

ОКТ диагностикаси, Аветисов ва Махкамова (1977) усулидан ташқари, аралашув ҳажмини коррекциялаш учун В.А Гусейнова (2011) томонидан таклиф қилинган формула бўйича ККУ га боғлиқ равишда рецессия ҳажмини математик ҳисоблашни қўллаш имконини беради.

$$E = \pi * (D/4) - (R/2)$$


Бу ерда: E лимб ва кўз экваторининг узоклиги ёки рецессиянинг максимал ҳажми;  $\pi = 3,14$ ; D – бемор кўзининг кўндаланг ўқи катталигига тенг бўлган доира диаметри; R – шох парданинг горизонтал ўлчами (у болаларда бир ёшгача 10,0 дан 11 ёшгача 11,5 гача оралиғида бўлади, ўртача 10,75).

Масалан, агар ОКТ бемор КУЎ ўлчамини 20,31 мм кўрсатса, у ҳолда рецессия ҳажми -10,5 мм дан ошмаслиги керак.

$$3,14 * \left(\frac{20,31}{4}\right) - \left(\frac{10,75}{2}\right) = 3,14 (5,07) - 5,37 = 10,5\text{мм}$$

Операция тутагандан сўнг, кейинги кузатувларда шифокорга ташрифлар вақтида ОКТ технологиясини қўллаш битиш жараёнини, аралашув жойида битишмалар ёки коллоид чандиқларнинг юзага келишини визуал назорат қилиш, даволаш чораларини шунингдек гипо ёки гиперэффактда қолдиқ бурчаклар ҳолатида такрорий операцияларни режалаштириш имконини беради.

I-асосий гуруҳдаги болалар ва уларнинг қонуний вакиллари хабардор қилиниб, розилик олингандан сўнг, операцияни бажаришда М.Э.Коновалов ва ҳаммуалифларнинг ишида батафсил тавсифланган “бўйинбоғ/бант/капалак” сирпанувчи тугунни қўйиш ТСЧ технологияси қўлланилди (3- расм).



**3-расм.** “Бўйинбоғ/бант/капалак” усули ёрдамида тартибга солинувчи чоклар қўйиш услуги

Юқоридагилар асосида ҳамкор ғилайликни жарроҳлик усулида даволаш самарадорлигини башоратлаш учун дастур ишлаб чиқилган (№DGU 13559).

Назорат гуруҳида операция ушбу диссертациянинг “Материаллар ва усуллар” бобида батафсил ёритилган кўзнинг харакатлантирувчи мушакларининг узунлиги ва ҳолатидаги ўзгаришларни рецессия ва резекция қилишнинг анъанавий техникалари бўйича амалга оширилди.

Ҳамкор ичкарига қочувчи ғилайликни даволаш бўйича асосий (тартибга солинувчи чоклар) ва назорат (кўз тўғри марказий ва латерал мушакларининг резекция ва рецессияни анъанавий усуллари) гуруҳлари орасида операция натижалари таққосланганда, битта ғилай кўзда биринчи навбатда, унинг ортофориясига эришилиши (Гиршберг бўйича оғишнинг қолдиқ бурчаги  $\leq 6$  градус) солиштирилди.

Асосий гуруҳда операциядан сўнг ғилайликнинг йўқолиши ушбу гуруҳдаги 7 нафар ( $15,6 \pm 5,4\%$ ) беморларда дарҳол (00) қайд этилди (3-жадв.).

**3-жадвал**

**Операциядан олдин ва кейин ғилайликни девиация бурчаги даражасининг хусусиятлари**

Ғилайлик бурчаги	I гуруҳ - асосий гуруҳ (n=45)		II гуруҳ - назорат гуруҳи (n=45)	
	Операциясиз	Операциядан кейин	Операциясиз	Операциядан кейин
Коррекциясиз	20,67±0,77	3,80±0,29*	20,89±0,56	4,64±0,28*
Коррекция билан	19,82±0,66	3,24 ±0,28*	19,96±0,51	4,02±0,26*

**Изоҳ:** \*таққослаш гуруҳлари орасида  $p \leq 0,05$  бўлганда ҳаққоний фарқлар қайд этилган

5 нафар болада (11,1±4,7%) коррекция билан 6° дан юқори девиация бурчаги қайд этилди. Барча ≥6° бурчаклар операциядан кейинги кунни тартибга солунувчи чоклар йўли билан тўғирланди. Операциядан кейин бу гуруҳдаги ўртача ғилайлик бурчаги коррекциясиз 3,80±0,29° ва коррекция билан 3,24±0,28° ни ташкил этди.

Назорат гуруҳида ≥6° бурчаклар асосий гуруҳга нисбатан 1,4 марта кўп 7та (15,6±5,4%) беморда қайд этилди, бунда 2 нафарда ғилайлик бурчаги, ҳатто коррекция билан 8 ва 10° ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги ўртача ғилайлик бурчаги асосий гуруҳга нисбатан ҳаққоний юқори бўлиб, коррекциясиз – 4,64±0,28° ва коррекция билан – 4,02±0,26° эди. Назорат гуруҳидаги фақат 1 нафар (2,2±2,2%) беморда 0 градус оғиш даражаси қайд этилди, бу асосий гуруҳга нисбатан 7,1 баравар кам (p≤0,05).

Иккала гуруҳ болаларда ғилайликни жарроҳлик йўли билан тўғирлаш натижасида иккала кўзда ҳам кўриш ўткирлиги (КЎ) ҳаққоний даражада яхшиланди. Дастлаб (операциядан олдин) КЎ асосий гуруҳида назорат гуруҳига қараганда юқори бўлганлигини ҳисобга олиб, биз гуруҳ ичидаги ҳар бир кўзнинг кўришни яхшиланиш фоизини таққосладик. Асосий гуруҳда КЎ ўнг кўзда 0,77±0,01 дан 0,81±0,01 гача, яъни 5,7% га, чап кўзда эса 0,79±0,01 дан 0,84±0,0 гача, яъни 6,6% га ошган эди (p≤0,05). Назорат гуруҳида КЎ ўнг кўзда 0,74±0,01 дан 0,77±0,01 гача, яъни 4,0% га, чап кўзда эса 0,77±0,01 дан 0,81±0,01 гача, яъни 5,2% га ошди (p≤0,05). Шундай қилиб, асосий гуруҳда жарроҳликдан сўнг кўриш ўткирлигининг яхшиланиш даражаси, кичик фоизга бўлса ҳам, назорат гуруҳига қараганда юқори эди, лекин бу белги бўйича гуруҳлараро фарқнинг ҳаққонийлик даражасига эришилмади (p>0,05) (4-жадв.).

#### 4-жадвал

#### Операциядан олдин ва кейин коррекция билан кўриш ўткирлигининг хусусиятлари

Ғилайлик бурчаги	I гуруҳ - асосий гуруҳ (n=45)		яхшиланиш %	II гуруҳ - назорат гуруҳи (n=45)		яхшиланиш %
	Олдин	Кейин		Олдин	Кейин	
Ўнг кўз	0,77 ±0,01*	0,81 ±0,01*	5,7	0,74 ±0,01*	0,77 ±0,01*	4,0
Чап кўз	0,79 ±0,01*	0,84 ±0,01*	6,6	0,77 ±0,01*	0,81 ±0,01*	5,2

*Изоҳ: \*қиёсланган гуруҳлар орасидаги ҳаққоний фарқлар p≤0,05 да қайд этилган*

